ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.T.04.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ АББОС ХАСАНОВИЧ

ПАХТА МОЙИНИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛ ПЕПТИДЛАРНИ ОЛИШДА ФЕРМЕНТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.17-Қишлоқ-хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 65.335:665.117

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хасанов Аббос Хасанович
Пахта мойини ва биологик фаол пептидларни олишда ферментларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Хасанов Аббос Хасанович
Разработка технологии применения ферментов при извлечении хлопкового масла и биологически активных пептидов…….. 19

Hasanov Abbos Hasanovich
Development the technology of application enzymes to extract cotton-seed oil and biologicall active peptides ……. 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….....… 38

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.T.04.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ АББОС ХАСАНОВИЧ

ПАХТА МОЙИНИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛ ПЕПТИДЛАРНИ ОЛИШДА ФЕРМЕНТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.17-Қишлоқ-хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясидаB2017.2.PhD/T186 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-сахифа www.tkti.uz манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.zionet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Давронов Қахрамон**
биология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Исабаев Исмоил Бабаджанович**
техника фанлари доктори, профессор

Салиханова Дилноза Саидакбаровна
техника фанлар доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: «**Тошкент ёғ-мой комбинати**» **АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгаш «____»____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти маъмурий биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертапция билан Тошкент кимё-технология институтининг ахборот-ресурс Марказида танишиш мумкин («___»рақам билан рўйхатга олинган).Манзил: (100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С.Ибодуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Қ.О.Додаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жахон миқёсида ишлаб чиқарилаётган пептидли антиоксидантлар озиқ-овқат, фармацевтика саноати, медицина ва бошқа соҳаларда ишлатилади. Антимикроб хоссали пептидлар олиш, хом ашё заҳираларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, уларни кам сарф-харажат қилиб, экологик тоза ҳолатда олиш, чиқитсиз технологияларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда ёғ-мой саноатининиг жадал ривожланиши мойли уруғларга, жумладан чигит, соя, рапс, кунгабоқар, маккажўхори ва бошқа мойли хомашёларга юқори самарали ферментатив ишлов бериш, ишлаб чиқариш технологиясини илмий асосини яратиш,модернизациялаш,мойли хомашёларни қайта ишлашда уларнинг таркибидаги турли органик бирикмаларнинг гидролитик ферментларни фаоллигига ва технологик жараёнларга таъсирини ўрганиб, ферментларни қўллаш усулларинингназариясини яратиш ва ўсимлик уруғидаги оқсиллари асосида биологик фаол моддаларни олиш бўйича устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари ривожлантирилмоқда.

Республикамизда мойли уруғларни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, рафинацияланган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини яхшилаш ва биологик фаол моддаларни максимал даражада сақлаб қолиш, маҳсулотларни оксидланишга бўлган барқарорлиги ва сифатини узоқ муддат сақлашусулларини ишлаб чиқишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда хомашё сарфни камайтириш, энергия тежамкор усулларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини озиқавий хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи рақобатдош маҳсулотларни тайёрлаш»[1]вазифалари белгилаб берилган. Бу борада гидролитик ферментларни қўллаб, ўсимлик мойлари ҳамда ўсимлик уруғидаги оқсиллари асосида биологик фаол пептидларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдагиПҚ-2492-сон «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стретегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стретегияси тўғрисида”ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.Пахта мойини ва биологик фаол пептидларни олишда ферментларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича М.М.Рахимов, А.И.Глушенкова, S.Latif, C.G.Soto, A.Rosenthal, B.Lamsal, P.Hanmoungjai, R.Moreau, H.Dominguez, K.Sosulski,А.Г.Сергеев, М.З.Подольский, В.Г.Щербаков, В.П.Ржехин,А.М.Голдовский, Й.Қ.Кодиров, Р.М.Мирзакаримов, С.А.Абдурахимов, М.А.Рахимджанов, А.Т.Ильясов, А.Х.Атауллаев,Х.К.Мажидов ва бошқалар илмий-тадқиқот олиб борган.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида ўсимлик мойини олиш технологиясини такомиллаштиришда соя, кунгабоқар, рапс, маккажўхори,чигит мағзига ишлов беришни кимёвий, физикавий ва физик-кимёвий усуллари, чигит янчилмасига биотехнологик ишлов бериш, экологик тоза пахта мойи ва биологик фаол моддалар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида илмий-тадқиқот ишланмаларни ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Шу билан бирга соя, кунгабоқар, рапс, маккажўхори ва чигитни қайта ишлашда ферментларнинг функционал хусусиятларидан фойдаланиб, қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, энергия тежовчи, иқтисодий ҳамда, экологик жиҳатдан юқори кўрсаткич ва самарадорликка эга бўлган технологиялар яратиш бўйича илмий тадқиқот олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасинингИТД-11-01 «Ўсимлик хомашёси асосида пептидли антиоксидантларни олиш технологиясини яратиш» (2012-2014 йй)мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсадипахта мойини ва биологик фаол пептидларни олишдаферментларни қўллаштехнологиясини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чигиткомпонентларинингнордон ва нейтрал протеиназаларни каталитик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

оқсилларни нордон ва нейтрал протеиназа билан гидролизланишига термик ишловларни таъсирини аниқлаш;

мойни ажратиш жараёнида чигит янчилмасига ферментатив ишловни таъсирини ўрганиш;

гидролитик ферментларни қўллаб, мойларни ноанъанавий ажратиш усулини яратиш;

чигит ва шротдаги оқсилларидан олинган пептидларни антиоксидантлик ва антимикроблик фаоллигини аниқлаш;

гидролитик ферментлар ёрдамида чигитни қайта ишлаб, антиоксидантва антимикроб хоссали пептидларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнингобъектичигит, пахта шроти, пахта мойи, нордон протеиназа (ПролайвРАС 30L “ЕнзимБИОПродукт” ООО, Россия), нейтрал протеиназа **(**Нейтраза, «Новозаймс», Дания),α-амилаза (Амилекс«Новозаймс», Дания) ва β-амилаза (Диазим «Новозаймс», Дания) хисобланади.

Тадқиқотнингпредметигетероген системаларда протеолитик ферментларни фаоллиги ва барқарорлиги, чигит мағзидан олинган оқсилларни гидролизланиш даражаси, олинган пептидларни антиоксидантлик ва антимикроблик хоссалари, чигит янчилмасига ишлов беришни пахта мойини экстракциясига ва рафинациясига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда физик-кимёвий, биокимёвий ва ферментлар инженерияси усулларидан фойдаланилганҳамда тадқиқот натижаларининг таҳлилини график шарҳларида MS Word, MS Excel дастурлари пакетидан фойдаланилган шунингдек, статистик маълумотларгаишлов беришда Matlabоперацион тизимидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб субстратли аралашмаларда нордон ва нейтрал протеиназаларнинг каталитик хусусиятларига таъсир кўрсатадиган омиллар аниқланган;

ёғ кислоталар, госсипол ва қаттиқ заррачалар нейтрал протеиназалар фаоллигини камайтириб оқсилларни ферментатив гидролизини 50-60% камайтириши аниқланган;

ёғ кислоталар нордон протеиназаларга нисбатан нейтрал протеиназа барқарорлигига кучлирок таъсир этиши ва фаоллигини 2-3 марта камайтириши исботланган;

госсипол нейтрал протеиназани кўпроқ инактивациялаши ва беқарорлигини 4-5 марта камайтириши аниқланган;

нордон ва нейтрал протеиназа ёрдамида рафинацияланган мой ва антиоксидант хоссали пептидларни олиш технологиясиишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалариқуйидагилардан иборат**:**

чигит янчилмасини ферментлаш учун яратилган мўътадил шароитлар технологик жараёнларни юқори тезликда ва фермент препаратларини тежаган ҳолда олиб бориш имконини берувчи технологик жараён ишлаб чиқилган;

чигит янчилмасига протеолитик ва амилолитик ферментлар билан ишлов бериб, форпресс мойини чиқиши 0,9% га оширилгани аниқланган;

пахта шроти оқсилларини ферментатив гидролизлаб, улардан антиоксидант ва антимикроб хоссали пептидлар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шундан иборатки, олинган натижаларни таҳлил қилишда замонавий физик-кимёвий ва биокимёвий

усуллардан фойдаланилган.Олинган тажриба натижалари фотоколориметр орқалиСтьюден мезони ёрдамида статистик қайта ишлаб чиқилган назарий натижаларига мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларинингилмий аҳамияти шундан иборатки, нордон ва нейтрал протеиназаларни чигит оқсилларини гидролизига турли табиатли ингибиторлар бўлган кўп компонентли аралашмаларда фаоллигига таъсир этувчи омиллар аниқланган қонуниятлари билан, янчилмага намлик-иссиқлик билан ишлов бериш жараённинг оптимал шароитлари ва илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чигит янчилмасига протеолитик ва амилолитик ферментлардан фойдаланилган ҳолда ишлов бериб, янчилманинг намлиги 13-15%, қовурманинг бошланғич ҳарорати 50-52°С бўлган шароитларида олиб боришга асосланган технологияси ишлаб чиқилган, мойни чиқишини 0,9% гача оширилганлиги ва тозаланган пахта мойини сифат кўрсаткичларининг яхшиланганлиги,пахта шротига протеолитик ферментлар ёрдамида ишлов бериб, ферментлаш жараёнини 50-52°С ҳароратда олиб боришга асосланган технология яратишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта мойи ва биологик фаол пептидларни олишда ферментларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқишбўйича олинган натижаларасосида:

чигит янчилмасига протеолитик ва амилолитик ферментлар ёрдамида намлик-иссиқлик ишлов бериш технологияси «НурлиДон» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзпахтаёғ» АЖнинг 2018 йил 22 майдаги МС/2-855-сон маълумотномаси). Натижада янчилмани пресслаш жараёни жадаллаштириш ва форпресс мойи чиқишини 0,9-1,1% гаошириш имконини берган;

чигит янчилмасига ферментатив ишлов бериш технологияси «НурлиДон» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзпахтаёғ» АЖнинг 2018 йил 22 майдаги МС/2-855-сон маълумотномаси). Натижада озиқавий мой чиқиш миқдорини ошириш ҳисобигатехник мой чиқиш 1,1%га камайтириш имконини берган;

пахта шроти оқсилини нордон ва нейтрал протеиназа билан ферментатив гидролизлаб Pseudomonas aeruginosa ва Escherichia coli бактерияларга қарши антимикроб хоссали пептидларни олиш технологияси «НурлиДон» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзпахтаёғ» АЖнинг 2018 йил 22 майдаги МС/2-855-сон маълумотномаси). Натижада глобулинни нордон протеиназа билангидролизлаб,Pseudomonasaeruginosa бактериясига қарши ва альбуминни нейтрал протеиназа билан гидролизлаб,Escherichia coli бактериясига қарши пептидлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.Мазкур натижалар 2та халқаро ва 10 та республика илмий-техник конференцияларида маъруза кўринишда баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 21 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан 3 та хорижий ва 6 та республика журналларида мақолалар чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиёт рўйхати ва иловалардан иборат. Асосий матнли материаллар ҳажми 120 бетданиборат бўлиб, унда 22 та расм ва 14 та жадвал келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мойли уруғларни қайта ишлашда ферментларни қўллашни ҳозирги ҳолати»**деб номланган биринчи бобида ферментатив катализда эришилган ютуқларни қўллаб рафинацияланган мой олишда, мойли уруғларни қайта ишлашни такомиллаштиришдаги муаммолар ва тафовутлар ҳолати таҳлил қилинган.Ўсимлик мойи ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда, медицина ва қишлоқ хўжалиги учун муҳим маҳсулотлар олишни ҳолати ва тенденцияси танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Ўсимлик хом ашёларидан мойларни ажратишда турли хилдаги фермент препаратларини қўллаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, экологик тоза ўсимлик мойи ва халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бошқа маҳсулотларни олиш мақсадида, мойли ўсимликларни қайта ишлаш технологиясини биокаталитик асосда такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Шундан келиб чиқиб тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Хомашё ва олинадиган маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва технологик таҳлил усуллари**» деб номланган иккинчи бобидапахта чигитига ферментатив ишлов беришда, ферментларни фаоллигини аниқлашни, ферментларни фаоллигига госсиполни, эркин ёғ кислоталарни, мойларни, турли хил адсорбентларни таъсирини ўрганишда қўлланилган физик-кимёвий ва биокимёвий усуллар баён қилинган. Олинган рафинацияланган пахта мойини сифат кўрсаткичларини, мойларни кислота сони ва перекис сон кўрсаткичлари, бундан ташқари пахта шроти оқсилларидан олинган пептидларни антиоксидантлик ва антимикроблик

хоссаларини аниқлашнинг таҳлил усуллари келтирилган. Пептидларни антиоксидантлик ва қайтарувчилик кучини аниқлашда фотоколлориметрик таҳлил усули ҳамда пептидларни антимикроблик хоссаларнини ўрганишда микробиологик таҳлил қилиш усулларни баён этилган.

Диссертациянинг «**Пахта чигитини қайта ишлашда протеиназани каталитик хусусиятига таъсир этувчи омиллари**» деб номланган учинчи бобида чигит янчилмасидаги компонентларни протеиназани каталитик хоссаларига таъсири ўрганилган.Бундай компонентларга, кўпинча табиий ингибиторлар, дастлабки термик ишловда ҳосил бўладиган маҳсулотлар, органик кислоталар, туз ва сирт фаол моддаларни юқори концентрацияси ва бошқалар киради. Ушбу тахминларни аниқлаш учун биз ўзида липидлар, ёғ кислоталар, госсипол ва юзасида турли кимёвий гуруҳлиқаттиқ фаза бўлган тизимни моделлаштириб, мураккаб субстрактли аралашмаларда протеиназани фаоллик ва барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

*Пахта чигитидан ажратилган оқсилларни нордон ва нейтрал протеиназалар билан гидролизланиши.*Ажратилган альбумин ва глобулин оқсилларинингнордон ва нейтрал протеиназалар билан гидролизланиши турли тезликда кечади. Нордон протеиназалар билан альбумин ва глобулинни гидролизланиши натижасида 8 соат ичида ҳосил бўлаётган реакция маҳсулотлари 1,16 ва 1,4 *мкмоль/мл* ни ташкил этди. Нейтрал протеиназа билан альбуминни гидролизи юқори тезликда кетади ва реакция маҳсулотлари 0,842 *мкмоль/мл*ни ташкил этади, глобулинни гидролизи натижасида эса 0,51 *мкмоль/мл* ни ташкил этади.

*Протеиназани каталитик хусусиятларига липид ва ёғ кислоталарнинг таъсири.*Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган «Нейтраза» (нейтрал протеиназа) ва «Пролайв-РАС» (нордон протеиназа) ферментлари етарлича барқарор бўлиб, 90 *мин* инкубациядан кейин қолдиқ фаоллик нордон протеиназа учун 6-7%ни, нейтрал протеиназа учун эса 20%ни ташкил этади. Ҳароратни ошиши инактивация жараёнини тезлаштиради ва 50°С хароратда 90 *минут*дан сўнг фаолликни камайиши юқоридагига мос равишда 27 ва 43% ни ташкил этади.Ҳароратни 55°С гача кўтарилиши нейтрал протеиназани инактивацияланиш тезлигини оширади ва 90 *минут*дан сўнг қолдиқ фаоллик 15% ташкил этади. Худди шундай шароитда нордон протеиназа умумий фаолликнинг 52%ни йўқотади.

Шундай қилиб, нордон протеиназа нейтрал протеиназага нисбатан юқори барқарорликга эга эканлиги аниқланди.Нордон ва нейтрал протеиназага ёғ кислотаси ва нейтрал липидларни таъсири шуни кўрсатдики, ёғ кислотасини концентрациясини ошиши уларни ингибиторлаш қобилиятини оширади. Бундай холатда нейтрал протеиназага ёғ кислоталар кучлироқ таъсир этади. Нордон протеиназа бошланғич фаолликнинг бор йўғи 10% ни йўқотади.Липидларни концентрацияси 8 *мг/мл* бўлганда нордон протеиназаларни фаоллигини камайиши 16-18% ни ташкил этади, шу концентрацияда нейтрал протеиназани фаоллигини камайиши кўзатилмайди.

Ёғ кислоталарипротеиназани инактивациялашдан ташқари, унинг термобарқарорлигинисезиларли даражада камайтиради. Масалан, ёғ кислотасининг концентрацияси 8 *мг/мл* бўлганда, 50°С да, 20 *мин* сақлангандан сўнг нейтрал протеиназа 90% фаоллигини йўқотади.Шу вақт ичида ёғ кислотаси иштирок этмаганда фермент 40-45% гача фаоллигини йўқотади. Бу таъсир фақат ёғ кислотасига боғлиқ бўлмай, фермент манбаига ҳам боғлиқ. Шу сабабли нордон протеиназа ёғ кислотасини шундай концентрациясида фаолликни қисман камайтирсада (10%), барқарорсизлантириш самараси кузатилмайди.

*Нордон ва нейтрал протеиназани фаоллигига ва барқарорлигига госсиполнинг таъсири.*Олиб борилган тадқиқотлар госсиполни ферментларнинг каталитик хусусиятларига сезиларли даражада таъсир этишини кўрсатди. Бунда фойдаланилаётган фермент ва ферментация жараёнини амалга ошириш шароитлари муҳим аҳамиятга эга.Реакцион муҳитда госсипол бўлганда нордон протеиназани ингибиторлик фаоллигига камроқ таъсир этади. Нордон протеиназани фаоллигиги госсиполни концентрациясини ошиши билан ўзгармайди. Нейтрал протеиназага госсиполни ингибирлашга кучлироқ таъсир этади.Реакцион муҳитда госсиполни концентрацияси 2,5 *мг/мл* гача бўлганда нейтрал протеиназа 70%гача фаоллигини йўқотади. Госсипол иштирокида ферментнинг термик барқарорлиги ҳам ўзгаради. Масалан, госсиполни концентрацияси 1 *мг/мл*, харорат 50°С бўлганда нейтрал протеиназа 20 дақиқа инкубация қилинганда фаолликни 50% гача йўқотади. Ушбу шароитларда госсипол бўлмаган муҳитда фермент бор-йўғи 8-10%фаоллигини йўқотади.Бу таъсир нафақат госсиполга, балки протеиназани табиатига ҳам боғлиқ. Масалан, госсиполни худди шундай концентрациясида нордон протеиназани фаоллиги сезиларсиз (2%) камаяди, беқарорлаштириш самараси кузатилмайди.

Нейтрал муҳитда госсиполни беқарорлаштириш самарасини ферментни аминогруппасини госсиполни альдегид группаси билан Шиффа асосли реакцияси ҳосил бўлиши билан тушунтириш мумкин. Одатда бу реакция ишқорий рН муҳитида юз беради. Кислотали муҳитда Шиффа асоси беқарор бўлгани учун фермент билан госсипол ўртасида ковалент боғ ҳосил бўлмайди. Шунинг учун нордон протеиназаларнинг госсипол иштирокида фаоллиги ва барқарорлигининг камайиши кузатилмайди.

*Протеиназани адсорбцион ҳолати ва барқарорлигига турли биополимерларнинг таъсири.*Биз тадқиқот олиб бораётган объектда ферментлар чигит янчилмасидаги турли гуруҳ биополимерлари билан ўзаро таъсирланиши мумкин.Бундай ҳолатларда фермент сувда эримайдиган оқсиллар юзасида специфик таъсирланиш натижасида адсорбцияланган ҳолатда ёки ионли ва гидрофоб таъсирланиш натижасида маълум гуруҳлинооқсил биополимерлар билан боғланган ҳолатда бўлиши мумкин.

Ушбу фаразларни ойдинлаштириш учун, юзасида турли кимёвий гуруҳ бўлган сорбентлар асосида гетероген тизимни моделлаштириб, мураккаб субстратли аралашмаларда протеиназаларининг баъзи таъсир этиш

қонуниятларини ўрганилган. Қаттиқ фаза сифатида сорсилен-липид ишлатилаганда ферментларни фаоллигини юқори даражада камайиши кузатилди. Сирт юзаси қутбли сорбентлар (КМ- и ДЭАЭ-целлюлоза) нордон ва нейтрал протеиназани фаоллигига камроқ таъсир этди. Нордон протеиназа мисолида сорбент сифатида ДЭАЭ-целлюлоза ишлатилганда ҳаттоки ферментни нисбий фаоллиги ошди. Сорсилен-липид ва КМ-целлюлоза эса фермент фаоллигини мос равишда 90 ва 50%га камайтирди.Шундай қилиб, биз олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маълум сорбентлар юзасида ферментлар фақат каталитик фаолиятини камайтириб қолмай, биокатализаторларни технологияга мослигини ҳам камайтиради ва ферментлар беқарорлашади.

Юқорида келтирилган фикрларни жамлаган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин: липидлар, ёғ кислоталар, госсипол ва турли биополимерлар томонидан ферментатив реакция самарасини камайтирилиши ушбу бирикмаларни фермент билан ўзаро таъсирланиши натижасида юз беради. Бунда нафақат эрийдиган бирикмалар, қайта ишланаётган хомашё таркибидаги эримайдиган бирикмалар ҳам қаттиқ фаза вазифасини бажариб, фермент ва оқсилларни маълум гуруҳи билан таъсирланиб, ферментларни беқарорлаштиради.

Диссертациянинг «**Чигитни қайта ишлашда ферментларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш**»деб номланган тўртинчи боби гидролитик ферментларни қўллаб пахта чигитини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштиришга бағишланган.

*Сувли муҳитдан мойни ажратишда чигит янчилмасига берилган ферментатив ишловнинг таъсири.*Маълумки, ёғли уруғларда мой олеосома шаклида бўлади.Олеосома - бу оқсилли моддалар ва бирқатламли фосфолипидлар билан ўралган липидларга айтилади.Мойларни ажратиш усулининг моҳияти шундаки, фермент олеосомани оқсилли қатламига таъсир этиб ёғларни ажралиши ва липид томчиларини агрегацияланишига олиб келади.Чигит янчилмаси оқсилларини ферментатив гидролизини мойни ажратиш жараёнига таъсири шуни кўрсатдики, протеолитик ферментлар мойларни ажратиш жараёнига ижобий таъсир этади.Ферментация натижасида мой томчилари, уни ўраб турган оқсиллардан ажралади ва бу липидларни бирлашишига ва ажратиш жараёнини тезлашишига олиб келади. Шу билан бирга бирламчи мойни сифат кўрсатгичлари ҳам яхшиланади.

*Пахта мойини форпресслаб олишда амилаза ва протеиназа ферментларининг таъсири.*Пахта чигитидан анъанавий технология бўйича ўсимлик мойини ажратиш - мағзини олиш, уни қовуриш, пресслаб мойни ажратишга асосланган. Бунинг натижасидамойларнинг маълум қисми чигит таркибига кирадиган оқсиллар ва бошқа таркибиймоддалар билан шимилиши натижасида кунжарада қолиб кетади.Кунжарада қолган мой органик эритувчилар ёрдамида экстракцияланади.Ўсимлик хом ашёси таркибидаги компонентларни мой ютиш ва эмульгирлаш хусусиятларини ушбу компонентларга ферментатив таъсир этиб камайтириш мумкин. Бунда хом

ашёни ферментациялаш учун фермент ва жараённи олиб бориш шароитларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Мой сақловчи уруғларни структуравий таркибига қараб керакли каталитик хоссага эга бўлган ферментлар танланиши керак.Нейтрал протеиназани 95°С термик ишлов берилган чигит янчилмаси оқсилларига таъсири натижалари 1 жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардаолдиндан термик ишлов берилган чигит янчилмаси таркибидаги оқсилларнинг гидролизлашга ижобий таъсир этиши кўрсатилган. Бунинг натижасида оқсилларнинг гидролизлаш маҳсулотлари 1,7-2,0 марта ошади. Масалан, 60 *мин* давомида чигит янчилмаси оқсилини ферментлаш натижасида 11,7 *мкмоль/г* ўрнига 23,5±1.0 *мкмоль/г* гидролиз маҳсулотлари ҳосил бўлади.

Жадвал 1

Нейтрал протеиназа таъсирида пахта чигити янчилмаси оқсилларини гидролиз махсулотларини хосил бўлиши.

Т/р	Ферментация давомийлиги,*мин*	Гидролиз маҳсулотлари (аминокислоталар), *мкмоль/г* янчилмага нисбатан	
		Термик ишлов берилмаган чигит янчилмаси	Термик ишлов берилган чигит янчилмаси
1	0	0	0
2	30	10.8±0.4	17.5±0.8
3	60	11.7±0.5	23.5±1.0
4	90	12.0±0.5	24.8±1.0
5	120	12.0±0.5	26.3±1.0

Углеводларни амилолитик ферментлар билан гидролизланишига чигит янчилмасига олдиндан термик ишлов бериш қисман таъсир этади. Чигит янчилмасига ферментатив ишлов беришда ҳосил бўладиган қайтарувчи қандларни ҳосил бўлиши 2-жадвалда келтирилган.

Жадвал 2

Чигит янчилмаси углеводларини ферментатив гидролизида қайтарувчи қандларни* ҳосил бўлиши

Қўлланилган фермент	Қайтарувчи қандлар, *мг/г* янчилмага нисбатан	
	Термик ишловсиз	Термик ишлов билан
α-амилаза	22.6±1.0	12.8±0.5
α-амилаза ва β-амилаза	34.6±1.3	31.0±1.3

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, чигит янчилмасинианα-амилаза билан ферментлашда қайтарувчи қандларни ҳосил бўлиши 22.6±1.0 *мг/г*ни ташкил қилади. Биргаликда α-амилаза ва β-амилаза ишлатилганда

углеводларни гидролизланиш тезлиги янада ошади ва қайтарувчи қандларни ҳосил бўлиши 34,6±1,3 *мг/г* ни ташкил этади.

Термик ишлов берилган чигит янчилмаси α-амилаза билан ферментланганда қайтарувчи қандларни ҳосил бўлиши 12.8±0.5 *мг/г* ни,*α*- ва β-амилаза ишлатилганда эса 31.0±1.3 *мг/г* ни ташкил қилади.

Шундай қилиб, чигит янчилмасига термик ишлов бериш ферментатив жараёнларга ижобий таъсир этиб, оқсилларни гидролизланиш даражасини оширади, углеводларни гидролизланиш тезлиги эса, сезиларсиз даражада камаяди.

*Ферментлар ёрдамида мойлар олишни такомиллаштирилган технологиясини яратиш.*Чигит янчилмасига қовуришдан олдин амилаза ва протеиназа билан ферментатив ишлов бериш мойни ажратиш жараёнига ижобий таъсир этади.Ферментатив ишловни чигит янчилмасидан олинаётган пахта мойига таъсири 3-жадвалда келтирилган.

Жадвал 3

Ферментатив ишловни пахта мойини ажратишга таъсири

№ п/п	Кўрсаткичлар	Ферментатив ишлов берилмаган чигит янчилмаси	Ферментатив ишлов берилган чигит янчилмаси
1	Уруғни мойлилиги даражаси, %	20.3±0.3	20.3±0.3
2	Форпресс мойини чиқиши, %.	12.6±0,5	13.5±0.5
3	Экстракцион мойни чиқиши, %.	5.4±0.2	4.5±0.2

Чигит янчилмаси ферментланганда форпресс мойини чиқиши ошади ва 13.5±0.5% ни ташкил этади. Ферментланмаганда эса форпресс мойини чиқиши 12.6±0.5% ни ташкил этади. Чигит янчилмасига ферментатив ишлов беришни технологияси 1 -расмда келтирилган.



1,6-нория,2,7- электромагнитли сепаратор, 3-тақсимловчи шнек, 4-беш валикли майдалагич ВС-5, 8-фермент учун сиғим, 9-насос, 10-тақсимлагич, 11- янчилмани намлаш ва ферментлаш учун шнек, 12-буғлатиш учун шнек, 13-тақсимловчи шнек,14-олти касқонли қовуриш қозони Ж-68, пресс15-МП-68, 16-кунжара учун шнек, 17- мой учун шнек, 18- фуза туткич, 19-мой учун насос, 20- фильтрпресс, 21- мой учун насос, 22-нория, 23- мой чўкмаси учун шнек.

1-расм.Чигит янчилмасига ферментатив ишлов бериш технологик схемаси

Бунинг натижасида экстракциялаб олинадиган мойни миқдори камаяди ва экстракцияда ишладиладиган бензинни миқдорини тежашга имкон яратади. Бу маълумотлар мойли ўсимликлардан мойларни ажратишда қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Пахта шроти оқсиллари асосида биологик фаол пептидларни олиш технологиясини яратиш**»деб номланган бешинчи боби пахта шроти оқсили гидролизатидан антиоксидант ва антимикроб хоссали пептидларни олишга бағишланган.

*Пахта шротининг турли оқсилларидан олинган гидролиз маҳсулотларининг антиоксидантлик фаоллиги.*Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли оқсиллардан олинган пептидлар бир-биридан қайтарувчилик кучи билан фарқланади. Олинган натижалар 2-расмда келтирилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, нейтрал протеиназа билан альбуминдан олинган пептидлар (2а-расм, 2-эгри чизиқ), нордон протеиназа билан олинган пептидларга нисбатан (2а-расм, 1-эгри чизиқ) юқори қайтарувчи кучга эга. Пептидлар нордон протеиназа билан глобулиндан олинганда эса, уни қайтарувчи кучи юқори бўлади (2б-расм, 1-эгри чизиқ).



2-расм. Қайтарувчилик кучига нордон (1) ва нейтрал (2) протеиназа билан чигит альбуминидан (а) ва глобулинидан (б) олинган маҳсулотларни гидролизланиш даражасига боғлиқлиги

Нордон ва нейтрал протеиназа билан глобулиндан олинган гидролиз маҳсулотлари антиоксидантлик фаоллиги бўйича бир-биридан сезиларли даражада фарқланади.

Чигит оқсилидан нордон ва нейтрал протеиназа ёрдамида олинган пептидларни (+)-катехинни оксидланишига таъсири 3-расмда келтирилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, (+)-катехинни оксидланиш тезлигини камайиши ҳамма пептидларда кузатилди. Катехиннинг оксидланиш тезлигини кучли камайиши альбуминдан олинган пептидларда кузатилган (3а-расм, 2,3-эгри чизиқлар).

Нейтрал протеиназа билан олинган пептидлар иштирокида катехин эритмасини қорайиши тезлиги паст бўлган (3б-расм, 3 эгри чизиқ). Катехин эритмасини 12 кундан кейин оптик зичлигини ўзгариши назоратда 1,170 бўлса, нордон протеиназа билан олинган пептидлар учун 0,690 ни ва нейтрал протеиназа билан олинган пептидлар учун 0,360 ни ташкил этди.



1-назорат, 2- нордон протеиназа билан олинган пептидлар, 3- нейтрал протеиназа билан олинган пептидлар.

3-расм. Чигит альбуминидан (а) ва глобулинидан (б) олинган пептидларни (+)-катехинни оксидланиш тезлигига таъсири

Чигит оқсилидан олинган гидролиз маҳсулотларини антимикроб фаоллиги бўйича қилинган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, улар *Pseudomonas aeruginosa* ни ўсишини турли даражада камайтирар экан. Нордон протеиназа ёрдамида олинган глобулинни гидролиз маҳсулотлари ривожланишиникўпроқ камайтиради, босим майдонини ўртача диаметри 0.8±0.02 *см* ташкил этган. Нордон ва нейтрал протеиназа ёрдамида альбуминдан олинган пептидлар *Escherichia colini* ривожланишини камайтиради ва босим майдони диаметри 0.4±0.05 ва 1.2±0.1*см* ташкил этган.Текширилаётган тест-культурали қолган чашкада ривожланишни камайиши кузатилмаган.

Шундай қилиб, чигитдан олинган пептидлар юқори антиоксидантлик ва антимикроб хоссаларга эга бўлиб, улар биологик фаол пептидлар олиш учун манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

*Пахта шроти оқсиллари асосида антиоксидантли пептидларни олиш технологиясини яратиш.*Олинган тадқиқот натижалари асосида пахта шротидан пептидли антиоксидантлар олиш технологияси яратилган (4-расм).

Технология олдинма-кетин келадиган қуйидаги технологик жараёнларни ўз ичига олади: шротни майдалаш; шротни сувли суспензиясини 1:5-1:6 гидромодулда тайёрлаш ва амилолитик ферментлар билан углеводларни 60-95°С да 1-1,5 соат давомида ферментлаш; барабанли вакуум-фильтрда фильтрлаш варН~9 бўлган 90-95°С ли сув билан ювиш; барабанли вакуум-фильтрдаги чўкмани рН~6,5-7 бўлган сув билан ювиш; нейтрал протеиназа билан 50^{0}С да 2-2,5 соат давомидаферментлаш; суюқ қисмини вакуум-фильтрда ажратиш; ферментларни инактивлаш учун термик ишлов бериш; 12-16 кД пептидларни мембранали фильтрда ажратиш; олинган маҳсулотни пуркаб қуритишга бериш.



1-Автоташувчи, 2 –қабул қилиш бункери, 3-лентали транспортёр, 4-тебратувчи элаклаш қурилмаси, 5-майдалагич, 6-бункер, 7-дозатор, 8-ферментатор, 9-барабанли вакуум-фильтр, 10-пластинкалииссиқлик алмаштиргич, 11- фильтрат учун сиғим, 12-ультрафильтра-ционқўрилма, 13-қуритиш қурилмаси.

4-расм. Антиоксидант “Пептид-ШХ” ни олиш технологияси

ХУЛОСАЛАР

1.Нордон (*Aspergillus niger*) ва нейтрал (*Bacillus amyloliquefaciens*) протеиназаларнинг каталитик хусусиятларига чигит компонентларини таъсири натижасиданейтрал протеиназалар нордон протеиназаларга нисбатан кўпроқ инактивлаш ва беқарорликга учраши кўрсатиб берилди.

2. Мураккаб субстратли аралашмаларда, ферментатив реакция фазалар орасида кетса, оқсилларни гидролизи камайиши билан изоҳланган.

3.Протеолитик ва амилолитик ферментлар билан чигитянчилмаси таркибидаги оқсил ва углеводларни гидролизланиши термик ишловнинг таъсири ўрганилган. Оқсилнинг гидролизланиши тезлиги 2,0-2,2 марта ошиши, углеводларни гидролизланиши эса 1,1-1,8 марта пасайиши кўрсатиб берилди.

4. Чигит янчилмасига ферментатив ишлов берилгач форпресс усулида олинган мой миқдори 13,6±0,5%ни, назорат тажрибасида 12,6±0,5%ни ташкил этиши кўрсатилган.

5. Чигит ва пахта шроти альбуминини ва глобулинини нордон (*Aspergillus niger*) ва нейтрал протеиназа (*Bacillus amyloliquefaciens*) билан ферментатив гидролизлаб олинган пептидларни антиоксидантлик ва антимикробли фаоллиги асосида антиоксидант ва *Pseudomonas aeruginosa* ва *Escherichia coli* га қарши антимикроб хусусиятли пептидлар олиш технологияси тавсия этилган.

6.Чигит янчилмасига ферментатив ишлов берилганда форпресс усулда олинган мой миқдори0,9-1,1%га ошгани сабабли янчилмага протеолитик ва амилолитик ферментлар билан ишлов бериш усулини янги технологияда қўллаш тавсия этилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc27.06.2017.T.04.01ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТИ

ХАСАНОВ АББОС ХАСАНОВИЧ

РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПРИМЕНЕНИЯ ФЕРМЕНТОВ ПРИ ИЗВЛЕЧЕНИИ ХЛОПКОВОГО МАСЛА И БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ПЕПТИДОВ

02.00.17–Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/T186

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tkti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet»по адресу www.zionet.uz.

Научный руководитель: **Давранов Кахрамон**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппонеты: **Исабаев Исмоил Бабаджанович**
доктор технических наук, профессор.

Салиханова Дилноза Саидакбаровна
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **АО «Ташкентский масло-жировой комбинат»**

Защита состоится «__» _____2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г.Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №___, с котрой можно ознакомиться в ИРЦ. (100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Афтореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(протокол рассылки №___ от _____ 2019 г.).

С.М.Туробжонов
Председатель Научного совета по присуждению
Учёных степеней, д.т.н., пофессор

А.С.Ибадуллаев
Учёний секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

К.О.Додаев
Председатель Научного семенара при Научном
Совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.В мире производимые пептидные антиоксиданты используются в пищевой, фармацевтической промышленностях, медицине и в других отраслях. Получение пептидов с антимикробными свойствами, изучение физико-химических свойств сырьевой базы, получение их экологически чистыми малоотходными, внедрение безотходной технологии имеют важное значение.

В мире при производстве растительных масел большое внимание уделяется созданию технологии рационального использования сырья и увеличению выхода масел ферментативной обработкой хлопковой мятки, улучшению качественных показателей очищенных растительных масел, а также способам получения пептидов с антиоксидантными и антимикробными свойствами из белковых отходов путем обработки протеолитическими ферментами.

В настоящее время в мире с интенсивным развитием масложировой промышленности по переработке масличных семян, в частности семян хлопчатника, сои, рапса, подсолнечника, кукурузы и др.,развиваются глобальные научно-исследовательские работы в областисоздания научных основ высокоэффективной технологии ферментативной переработки сырья и модернизации технологического процесса, изучения влияния различных органических соединений на активность гидролитических ферментов, создания научных основ применения и получения на основе белков масличных семян биологически активных веществ.

За последние годы в Республике в направлении совершенствования технологии переработки масличных семян, созданы способы улучшения физико-химических показателей и максимальное сохранение в рафинированных маслах биологически активных веществ, способствующих повышению их окислительной стабильности и длительному сохранению качественных и количественных показателейвнедрены в производстве. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан определены задачи по «ускоренному развитию производств, основанных на высоких технологиях,направленных на выпуск высоколиквидных готовых продуктов глубокой переработки на основе местных ресурсов сырья и переводу промышленности на качественно новый уровень путем модернизации и диверсификации»[2]. В этом отношении, важное научное и практическое значение имеет технология получения растительных масел на основе использования гидролитических ферментов, а также получения биологически активных пептидов из белков масличных культур.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан №ПП-2492 от 18 февраля 2016 года «О мерах по

[2] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стретегии действий по дальнейшему развитию Республика Узбекистан».

дальнейшему совершенствованию организации управления и развитию пищевой промышленности республики», №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан» и № ПП-43484 от 19 января 2018 года «О мерах по ускоренному развитию масложировой отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» по программе прикладных исследований.

Степень изученности проблемы

Научным исследованиям по химическим и физико-химическим способам переработки масличных культур посвящены работы М.М.Рахимова, А.И.Глушенковой, S.Latif, C.G.Soto, A.Rosenthal, B.Lamsal, P.Hanmoungjai, R.Moreau, H.Dominguez, K.Sosulski, А.Г.Сергеева, М.З.Подольского В.Г.Щербакова, В.П.Ржехина, А.М.Голдовского, Й.К.Кодирова, Р.М.Мирзакаримова, С.А.Абдурахимова, М.А.Рахимджанова, А.Т.Ильясова, А.Х.Атауллаева, Х.К.Мажидова, и др.

Результаты проведенных научно-исследовательских работ по усовершенствованию технологии получения масла из сои, подсолнечника, рапса, кукурузы и семян хлопчатника, химические, биотехнологические,физические и физико-химические способы обработки, семян хлопчатника, с целью повышения рентабельности производства, получения экологически чистого хлопкового масла и биологически активных веществ рекомендованы в производство.

Вместе с тем при переработке сои, подсолнечника, рапса, кукурузы и семян хлопчатника с учетом функциональных свойств ферментов, для создания энергосберегающей, экономически рентабельнойи экологически чистой технологииактивно ведутся научно-исследовательские работы.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ прикладных проектов Ташкентского химико-технологического института по теме ППИ-11-01«Разработка технологии получения пептидных антиоксидантов на основе растительного сырья» (2012-2014).

Целью исследования является разработка технологии применения ферментов при извлечении хлопкового масла и биологически активных пептидов.

Задачи исследования:

